

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

№ БД – 5120100 – 3.03

2016 йил “ 9 ” 01

2016 йил “ 22 ” 01



**ЛЕКСИКОЛОГИЯ ВА СТИЛИСТИКА**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 120000 - Гуманитар фанлар  
Таълим йўналиши: 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш  
(инглиз тили)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

- Матякубов Ж.И.** - “Инглиз тили лексикологияси” кафедраси  
доценти, ф.ф.н.
- Тухтасинов И.М.** - “Инглиз тили стилистикаси” кафедраси  
доценти, ф.ф.н.
- Джусупов Н. М.** - “Инглиз тили стилистикаси” кафедраси  
доценти, ф.ф.н.
- Нормуродова Н.З.** - “Инглиз тили стилистикаси” кафедраси  
мудири, ф.ф.н., доцент

#### **Такризчилар:**

- Жураева И.А.** - ЎзМУ “Таржима назарияси ва қиёсий  
тилшунослик” кафедраси мудири, ф.ф.н. доцент
- Галиева М.Р.** - ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти”  
кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

Лексикология ва Стилистика юқори босқич талабаларига мўлжалланган бўлиб, улар мулоқотнинг турли босқичларида тилни фаол эгаллаш, малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Лексикология ва Стилистика фани турли мулоқот турлари, жумладан, анъанавий, бадий ва илмий мулоқотни ўрганиш билан бир қаторда, иш муносабатлари (бизнес, маркетинг, менежмент соҳалари)да ҳам мулоқот малакаларига эга бўлишни тақозо этади.

### Фанларнинг мақсад ва вазифалари

Фанларни ўқитишдан асосий мақсад талабаларни Лексикология ва Стилистика фанининг назарий ва амалий аспекти билан таништириш. Талабаларнинг шахсий фикрларини турли хил усуллар билан ёритишнинг муайян нутқ шароитига мос йўллари аниқлаш ҳамда тилдаги ҳис-ҳаяжонли ҳолатларни ифодалаш учун қўлланиладиган лексик–фразеологик бирикмаларнинг маъно ва вазифаларини таҳлил қилишдир, тилдан фаол фойдаланиш малакаси мулоқотнинг ижтимоий, миллий, психологик томонларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш. Талабаларда ҳозирги замон инглиз тили Лексикология ва Стилистикасининг ривожланиш қонуниятларини очишга мос бўлим, кўникма ва малака шакллантиришдир. Шунингдек, фаннинг мақсади талабаларда лингвистик, лингвомаданий ва коммуникатив кўникма ва малакаларни инглиз тили луғат бойлиги орқали шакллантиришдан иборат.

Фанларнинг вазифалари:

1. Тилшунослик тизимида Лексикология ва Стилистика аҳамияти ва ўрнини аниқлаш;
2. Лексикология ва Стилистикасининг назарий асослари билан танишиш;
3. Лексикология ва Стилистикасининг методлари назариясининг асосларини ўрганиш.

Фанларнинг вазифаси бўлажак мутахассисга онгли ўқишни ўргатиш усулларини яхшироқ эгаллаш имконини бериш, асарга юзаки ёндашишнинг олдини олиш, бадий матнни мураккаб таркибий бутунлик тарзида тушунишни ўргатиш. Тафаккур ва ҳиссиётни нозик сезиш, умумий ғоя ва таъсирчанликни кучайтириш, эстетик дид, бадий адабиётни ўрганишни юксак маданиятини яратиш имконини бериш.

### Фан бўйича талабаларнинг тасаввур билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Лексикология ва Стилистика ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр талабаси:

- стилистика лингвистиканинг қисми ва нутқ маданияти назарияси сифатида, функционал услублар тизими, стилистик луғатнинг таснифи, коммуникатив нутқ, стилистик услубларнинг турлари, матн ва матн тури тушунчаларини ажрата олиш, матн таҳлилининг стилистик усуллари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши керак**;

- матнни турли услублар ёрдамида фарқлаш, тил қурилишининг стилистик усуллари ва хусусиятлари, махсус адабий ва сўзлашув бирликларининг матндаги фарқи ва хусусияти, матн категорияларини билиши керак;

- коммуникация турини, ифода этиш шакли ва таҳлил этилиётган матн коммуникатив-прагматик турларини аниқлаш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- тил тузилишининг барча босқичларида услубий белгиланган бирликларни таниши, уларнинг услубий, коммуникатив-прагматик матн вазифаларини ва миллий-маданий ўзига хослигини аниқлаш, концептуал маъноли бадиий деталлар кўрсатиш усуллари, турлари ва матн мазмунини очишдаги аҳамиятини аниқлашни, муайян ахборот турини буришни, матн асосий категорияларини қўллашнинг тил воситаларини аниқлаш, услубий таҳлил ва бадиий матн таҳлилинини унинг концепти ва эстетик баҳосини очиш мақсадида ўтказиш *малакаларига эга бўлиши керак*.

### **Фанларнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Лексикология ва Стилистика фанлари асосий мутахассилик фанлари хисобланиб бакалавр 3-босқичда ўқитилади. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги, стилистика фанининг бошқа фанлар билан узвийлиги, унинг бойишида лингвистикага оид барча фанлар – лексикология, фонетика, тил тарихи, назарий грамматика, таржима назарияси ва амалиёти ҳамда қиёсий типологияларнинг ўзаро алоқаси.

### **Фанларнинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Фанларнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни стилистика фани талабаларнинг умумидабий ва умумсўзлашув тушунчаси, луғат таркибида турли қатламларнинг стилистик жиҳатдан тўлдирилиши, бошқа тиллардан кириб келган сўз ва атамаларнинг стилистик вазифалари. Сўзни танлаш масаласи, бу воситаларнинг табиати ва ҳар хил функционал стилларда ишлатилиши, турли матнларнинг стилистик тузилиши ҳамда инглиз тилининг лексик ва стилистик имкониятларини таржимонлик фаолияти жараёнида қўллашга ўргатишдан иборатдир.

### **Фанларни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талаба фанни ўзлаштириш учун замонавий ахборот ва педагогик технологияларини тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, электрон материал ва луғатлар, тарқатма материаллардан фойдаланилади. Амалий машғулотларида интерактив усуллар, ақлий хужум, мулоқот, фикр алмашиш, баҳс-мунозара, интернетдан изланиш ва тақдимот этиш, қиёсий таҳлиллар мос равишда фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Лексикология**

#### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни “Лексикология” фанининг мазмуни предмет ва методи**

Лексикология лингвистикада узига хос урин эгаллайди чунки бу фан тилнинг луғат таркибини тизимли шархлайди. Амалий ва назарий машғулотлар давомида талабалар нутқий ва ўзаро мулоқот юрита олиш малакаси ва маҳоратини лингвистик коммуникатив инглиз тили ижтимоий-маданийбилимлар воситасида шакллантиришдан иборат. Ушбу фан юзасидан талабалар фаннинг мақсади ва

вазифалари турли ёндашувларёрмада лухатни тадқиқ қилувчи лексикологиянинг бўлимлари: семасиология сўз тузилиш сўз яшаш усуллари тилнинг лухат таркиби тил бирликларининг семантик хусусиятлари фразеологик бирикмалари тил лухат таркибининг этимологияси муаммоларининг ҳар томонлама ўрганилаётган тилдаги сўзларнинг хусусиятлари ва қонуниятларини ёритиб бера оладилар.

### **Семасиология.**

Сўз тил луғат таркибининг асосий бирлиги сифатида. Сўзнинг морфема, сўз шакли, сўз бирикмасидан фарқли хусусиятлари. Мотивация тушунчаси. Идиоматик ва мотивация турлари: фонетик, морфологик, семантик. Маъно ва сўз маъносининг тузилиши. Инглиз, она тили ва бошқа ўрганилаётган тиллардаги ўзаро муқобил сўзларнинг семантик тузилиши. Сўз маъносининг тузилишини ўрганишда парадигматика ва синтагматиканинг роли. Контекст ва унинг турлари. Содда, туб, ясама ва қўшма сўзларнинг ўзига хос маънолари. Сўз маъноси ва унинг тузилиши. Фразеологик бириклар маъноларининг хусусиятлари, маъно турлари таснифи. Сўзнинг лексик - семантик вариантлари. Маъно тузилишига кўра синхрон ва диахроник қараш ва унинг ривожланиш қонуниятлари. Луғат бирлигини семантик гуруҳларга ажратиш. Семантик майдон. Моносемия, полисемия, гипергипонимия муаммолари. Синоним, антоним ва омонимлар муаммолари, ва уларнинг манбалари, таснифи, уларни тилнинг бойиши ва ривожланишидаги аҳамияти.

### **Сўзнинг морфологик тузилиши**

Бир ва кўп морфемали сўзлар. Морфеманинг лексик бириклик эканлиги. Морфемалар турлари ва синфлари. Сўз негизи ва унинг турлари. Ҳозирги замон инглиз тилида сўз тузилишининг турлари. Сўз тузилишига диахроник ва синхроник қараш. Морфемалар яшаш. Морфема ва алломорфемалар. Сўз тузилишини морфемик таҳлил қилиш асослари ва уларнинг сўз яшаш таҳлилидан фарқи.

### **Сўз яшаш**

Сўз яшаш усуллари. Сўзнинг асосий таркибий қисмлари. Сўз негизи. Ўзакнинг тузилиши ва семантикаси. Кенг ва кам тарқалган усуллар билан сўз яшаш. Лексик ном беришда сўз яшашнинг роли ва ўрни. Сўз яшаш қаторлари занжири. Олд қўшимчалар ва уларнинг турлари. Ҳар хил мезонларга асосланиб олд қўшимчаларни тасниф этиш. Ўзак олд қўшимчаларнинг семантикаси. Ярим олд қўшимчалар ёрмада сўз яшаш. Конверсия, унинг келиб чиқиши ва асослари. Сўз яшалиш йўлини аниқлашда конверсиядаги семантик алоқалар асосий мезон эканлиги. Конверсиянинг кенг тарқалганлигини белгиловчи асосий омиллар. Конверсияни таржима қилиш муаммолари.

Кўшма сўзларнинг сўз яшашнинг кенг тарқалган йўллари билан бири эканлиги. Анъанавий ва замонавий тилшуносликда кўшма сўзларни тасниф қилиш асослари. Кўшма сўз яшашнинг ҳар хил турлари, уларнинг кенг тарқалганлиги. Кўшма сўзларни она тилига таржима қилиш йўллари.

Қисқартма сўзлар (аббревиация). Қисқартма сўзларнинг турлари. Қисқартма сўзлар (клиппинглар). Инглиз тилининг америка вариантыда кенг тарқалган қисқартма сўзлар. Қисқартма сўзларни таржима қилишдаги қийинчиликлар.

Сўз яшашнинг бошқа усуллари: сўз яшаш, кенгайтиш, товуш ва урғу кўчиши, товушга тақлид қилиш ва редупликация, грамматик шаклларнинг лексикализациялашуви ва сўз яшашда ҳар хил турларнинг бирикуви.

## **Фразеология**

Фразеологиянинг мақсад ва вазифалари. Турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш муаммоси, уларни фарқловчи белгилар. Лексик бирикиш. Турғун бирикмалар ва уларнинг ҳар хил мезонларга асосан таснифи. Фразеологик бирликларнинг юзага келиш йўллари. Сўз ва сўз бирикмасининг ўхшашлиги ва фарқи. Фразеологик бирликлар ва уларни таржима қилиш муаммолари.

## **Этимология**

Тил луғат таркибининг этимологик жиҳатдан таснифи. Инглиз тилида кейин пайдо бўлган ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлар. Хорижий тиллардан кириб келган сўзларнинг турлари, ўзлаштирилиши, ассимиляцияси, луғат таркиби ва сўз яшаш тизимига таъсири. Байналминал сўзлар. Архаизмлар, историзмлар, неологизмлар.

## **Лексикография**

Лексикографиянинг фан сифатида ривожланиши. Луғатларнинг асосий турлари: энциклопедик, лингвистик, изоҳли ва таржима луғатлари. Луғат турлари муаммоси ва уларни яратиш услублари. Луғатлар учун сўз танлаш, луғат мақолаларининг тузилиши ва бошқалар. Инглизча луғатларнинг асосий турлари: изоҳли ва таржима луғатлари, синонимлар луғати, фразеологик бирликлар луғати, этимологик, идеографик, махсус луғатлар, неологизмлар луғатлари ва бошқалар. Ўқув луғатларининг тузилиши (сўзларнинг бирикиш йўллари луғати, кўп қўлланиладиган сўзлар луғати). Турли луғатларда сўз маъноларини очиб бериш йўллари. Таржима жараёнида луғат билан ишлаш, Сўзнинг изоҳли таҳлилини ўрганиш, бошқа луғатлардаги изоҳлари билан қиёслаш.

Тил луғат таркибининг ўзгариши социолингвистик ҳодиса эканлиги. Луғат таркибининг сифат ва сон жиҳатдан ўзгариши. Луғат таркибининг лексик ва стилистик таснифи. Сўзларни ишлатилиши жиҳатидан тасниф этиш. Умумистеъмол сўзлари ва махсус лексика. Лексик номлашнинг фаоллиги ва луғат таркибининг бойиш йўллари. Сўзнинг маъно таракқиети ривож, бошқа тиллардан кирган сўзлар қатлами.

## **Инглиз тилида сўзлашувчи давлатларда Инглиз тилининг хусусиятлари**

Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатлардаги инглиз тилининг лексик хусусиятлари, уларнинг тарихий боғлиқлиги ва ўзаро таъсири.

## **Стилистика**

### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**

#### **“Стилистика ва матн таҳлили” фанининг мазмуни, предмети ва методи**

Стилистика курсининг долзарблиги ва вазифалари. Стилистика замонавий тилшунослик йўналишлари нигоҳида. Стилистиканинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги: стилистика ва коммуникатив лингвистика, стилистика ва прагмалингвистика, стилистика ва лингвокультурология. Стилистика турлари: қиёсий

стилистика, амалий стилистика, фуқрионал стилистика, индивидуал услуб стилистикаси, коммуникатив стилистика. Стилистик таҳлил методлари.

### **Услубий лексика таркиби**

Услубий лексика таркиби адабий сўзлар, нейтрал сўзлар, ва оғзаки сўзлар. адабий сўзларнинг стилистик жиҳатлари ва турлари: атама, архаизм, неологизм, чатишма, поэтик сўзлар тушунчалари ва уларнинг матндаги стилистик вазифалари. Оғзаки сўзларнинг стилистик хусусиятлари ва турлари: сленг, вульгаризм, эвфемизм, шева ва жаргон сўзларнинг тушунчалари ва уларнинг матндаги стилистик вазифалари.

Тилда меъёр тушунчаси. Шахсий ёндашув ва меъёр. Умумий адабий, оғзаки ва адабий услублар хусусиятлари. Регистр тушунчаси.

### **Функционал услуб тушунчаси**

Функционал услуб ва унинг турлари. Бадиий услуб хусусиятлари: шеърий, драма ва наср услубларининг асосий тил хусусиятлари. Илмий услуб хусусиятлари ва вазифалари. Публицистик услуб хусусиятлари ва вазифалари. Газета услуби хусусиятлари ва вазифалари. Газета матнида жанр турлари ва хусусиятлари. Идоравий услуб вазифалари, турлари ва уларнинг лисоний хусусиятлари.

### **Лексик стилистик воситалар**

Ифода ва стилистик восита тушунчаси. Стилистик вазифа тушунчаси ва турлари. Лексик маъно турлари. Стилистик воситаларнинг сатҳлараро турланиши: метафора, метонимия, кесатиш, эпитет, муболаға, оксиморон, антономасия, зевгма, сўз ўйини тушунчаси, лисоний аҳамияти ва вазифалари.

### **Лексик-синтактик стилистик воситалар**

Ўхшатиш, перефраз, литота, градация, антитеза, аллюзия, ўзлаштирма гап тушунчаси, лисоний аҳамияти ва вазифалари.

### **Синтактик стилистик воситалар**

Синтактик стилистик воситаларнинг лисоний аҳамияти ва вазифалари. Гап қурилишидаги ўзгаришларга асосланган стилистик воситалар: бир бош бўлакли гап, инверсия, параллел конструкция, хиазм, такрор, санаш, полисиндетон, асиндетон ва риторик сўроқ гап. Оғзаки нутқдаги гап таркиби ўзгаришларга асосланган стилистик воситалар: эллипсис, тугалланмаган гап, ажратилган конструкция.

### **Фонетик стилистик воситар**

Юфония, аллитерация, ономотопия тушунчаси, лисоний аҳамияти ва вазифалари.

### **Лексикология**

#### **Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати**

- Лексикологиянинг мақсади ва бўлимлари.

- Семасиология: Сўзларнинг фонетик ва семантик аспекти. Контекст турлари, маънонинг турлари ва сўзнинг лексик-семантик вариантлари, семантик майдон. Моносемия, полисемия, гипер-гипонимия муаммолари. Синоним, антоним ва омонимлар ва уларнинг таснифи.
- Сўзнинг морфологик қурилиши: морфемалар типлари ва синфлари. Сўз тузилишидаги диахроник ва синхроник қараш. Морфема ва алломорфемалар.
- Сўз ясаш: лексик ном беришда сўз яшанинг роли ва ўрни. Конверсия, унинг келиб чиқиши ва асослари. Қўшма сўзларни она тилига таржима қилишнинг йўллари. Қисқартма сўзлар.
- Фразеология: турғун ва эркин бирикмаларни фарқлаш муаммоси. Уларни фарқловчи белгилар. Фразеологик бирликлар ва уларни таржима қилиш муаммолари.
- Этимология: инглиз тилида пайдо бўлган сўзлар ва бошқа тиллардан кириб келган сўзлар ва уларнинг турлари, ўзлаштирилиши, ассимиляция, интернационал сўзлар ва этимологик дублетлар.
- Лексикография: инглиз тили луғат таркибининг умумий таснифи, асосий турлари, ўқув луғатларининг тузилиши, сўз маъноларини очиқ бериш йўллари ва таржима жараёнида луғат билан ишлаш.

Курс лойиҳасининг мақсади талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилишдир.

### **Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича такдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Курс иши тасдиқланган ўқув режада кўзда тутилган таълим йўналишларида бажарилади.

“Лексикалогия” фанидан курс иши муайян мавзу бўйича умумий яхлитликка эга илмий-амалий фикрларни акс эттирувчи лойиҳавий иш ҳисобланади.

Курс иши мавзунинг долзарблиги ва эришилган натижаларнинг амалиётга тадбиқи, унинг услубий даражаси ҳамда расмийлаштирилишига қараб баҳоланади. Курс ишини бажаришнинг муҳим босқичи режада белгиланган саволлар ёритилишида ўзаро назарий ва амалий алоқадорликни таъминлашдир. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри шакллантириш талабага унинг мақсади ва вазифаларини аниқ



белгилаб олиш ҳамда кўзланган натижага эришиш йўлларини, шунингдек, курс ишини тайёрлаш боскичларини кетма-кет бажаришга имкон яратади. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри ишлаб чиқилиши талабага изланишнинг олдида қўйилган мақсад ҳамда натижаларини аниқ ифодалаш, фикрларни мантиқий баён этиш услублари ва курс ишини тайёрлаш боскичларини ажратиш имконини беради.

Курс иши талабанинг салоҳияти ҳамда фан бўйича чуқур билим ва амалий кўникамага эгаллигини намоён қилади. Курс ишида ўрганиладиган масалаларнинг назарий жиҳатлари, аниқланган муаммоларини, қўйилган вазифаларни таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал этишни кўзлаган ҳолда режа тузилади ва шу асосида бажарилади. Талаба курс иши бўйича изланиш натижаларини ёритишда аудитни ташкил қилишнинг ўзига хослиги, хорижий давлатларнинг тажрибалари ва орттирган амалий ютуқларни умумлаштирган ҳолда белгиланган муаммоларнинг ечими юзасидан йўл-йўриқларни ишлаб чиқади ва уларни баргараф этиш йўлларини тавсия этади.

Курс ишини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- муаммони библиографик таҳлил қилиш;
- power point презентацияларини муаяйн тизимга келтирилган ҳолда расмийлаштириш;
- тўпланган материалларни танқидий ўрганиш;
- таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;
- фикрни кетма-кетликда, муаяйн изчилликда баён қилиш;
- курс ишини қўйилган талаблар бўйича расмийлаштириш.

### **Курс ишларининг намунавий мавзулари**

- 1) The subject matter of Lexicology and its branches.
- 2) Methods of analysis in Lexicology.
- 3) Word structure in Modern English.
- 4) The role of word-formation in enriching the English vocabulary.
- 5) The types and ways of word-formation in Modern English.
- 6) Affixation as a productive type of word-formation.
- 7) Compounding as a productive type of word-formation.
- 8) Conversion as a productive type of word-formation.
- 9) Shortening as a productive type of word-formation.
- 10) Minor types of word formation.
- 11) Semasiology as a branch of lexicology. Semantic structure of the word.
- 12) The problem of meaning and its types.
- 13) The nature and the results of semantic change.
- 14) Synonyms, their sources and classification in English.
- 15) Antonyms and their classification in English.
- 16) Homonymy in Modern English and its types.
- 17) Etymological features of the English vocabulary.
- 18) The ways of borrowing and the degrees of assimilation of borrowed words.
- 19) Phraseology as a branch of Lexicology. The types of PhU.
- 20) Different classifications of phraseological units.
- 21) Synonymy and Antonymy in English phraseology.

- 22) Linguistic and extralinguistic features of English proverbs and sayings.
- 23) Linguistic differences between British and American English.
- 24) Lexicography as a science. Types of dictionaries.
- 25) New approaches to lexicology

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Маъруза ва амалий машғулотларга ажратилган соатларнинг чегараланганлигини ҳисобга олиб, баъзи мавзулар талабаларга мустақил иш тарзида ҳавола этилади.

Мавзуларни талабалар мустақил мушоҳада қиладилар ва тақдимот кўринишида тайёрлайдилар. Бу мавзулар албатта амалий машғулотларда кўриладиган масалалар орасидан ўрин олиши шарт. Чунки мустақил ишнинг сифат даражаси доимий назорат остида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Лексикология ва тил.
2. Сўзларнинг фонетик ва аналитик аспекти.
3. Сўз маъносининг тузилишини ўрганишда парадигматика ва синтагматиканинг роли.
4. Маънонинг турлари ва сўзнинг лексик - семантик маънолари.
5. Синоним, антоним ва омонимлар.
6. Сўзнинг морфологик қурилиши.
7. Турғун ва эркин бирикмалар.
8. Сўз бирикмасининг ўхшашлиги ва фарқи.
9. Луғат таркибининг сифат ва сон жиҳатлари.
10. Архаизмлар ва неологизмлар, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда инглиз тилининг лексик хусусиятлари.
11. Лексик номланишнинг фаоллиги ва луғат таркибининг бойиш йўллари.
12. Тил луғат таркибининг этимологик жиҳатдан таснифи.
13. Сўзларнинг этимологияси.
14. Лексикографиянинг долзарб масалалари.

### **Стилистика**

#### **Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати**

- Услубиёт предмети, унинг асосий йуналишлари ва бошқа назарий фанлар билан алоқаси.
- Функционал услуб турлари, уларнинг вазифалари ва лингвистик хусусиятлари. (бадий, илмий, ва газета ва публицистик, расмий ҳужжатлар).
- Инглиз тили лексикасининг услубий таркиби;
- Лексик стилистик воситалар (метафора, метонимия, ирония, эпитет, оксиморон, гиперболо, антономасия, зевгма ва сўз ўйини)нинг лисоний аҳамияти ва вазифалари.
- лексик-синтактик стилистик воситалар (ўхшатиш, перефраз, литота, антитеза, градация)нинг лисоний аҳамияти ва вазифалари.
- синтактик стилистик воситалар (инверсия, такрорлаш, риторик савол ва бошқалар)нинг лисоний аҳамияти ва вазифалари.
- фонетик стилистик воситалар (юфония, аллитерация, ономотапия)нинг лисоний аҳамияти ва вазифалари.

## **Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали куруллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

## **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

## **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

“Стилистика” фанидан курс иши муаяйн мавзу бўйича умумий яхлитликка эга илмий-амалий фикрларни акс эттирувчи лойиҳавий иш ҳисобланади.

Курс иши мавзунинг долзарблиги ва эришилган натижаларнинг амалиётга тадбиқи, унинг услубий даражаси ҳамда расмийлаштирилишига қараб баҳоланади. Курс ишини бажаришнинг муҳим босқичи режада белгиланган саволлар ёритилишида ўзаро назарий ва амалий алоқадорликни таъминлашдир. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри шакллантириш талабага унинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш ҳамда кўзланган натижага эришиш йўллари, шунингдек, курс ишини тайёрлаш босқичларини кетма-кет бажаришга имкон яратади. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри ишлаб чиқилиши талабага изланишнинг олдида қўйилган мақсад ҳамда натижаларини аниқ ифодалаш, фикрларни мантиқий баён этиш услублари ва курс ишини тайёрлаш босқичларини ажратиш имконини беради.

Курс иши талабанинг салоҳияти ҳамда фан бўйича чуқур билим ва амалий кўникамага эгаллигини намоён қилади. Курс ишида ўрганиладиган масалаларнинг назарий жиҳатлари, аниқланган муаммоларини, қўйилган вазифаларни таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал этишни кўзлаган ҳолда режа тузилади ва шу асосида бажарилади. Талаба курс иши бўйича изланиш натижаларини ёритишда аудитни ташкил қилишнинг ўзига хослиги, хорижий давлатларнинг тажрибалари ва орттирган амалий ютуқларни умумлаштирган ҳолда белгиланган муаммоларнинг ечими юзасидан йўл-йўриқларни ишлаб чиқади ва уларни бартараф этиш йўллари тавсия этади.

Курс ишини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- муаммони библиографик таҳлил қилиш;
- power point презентацияларини муаяйн тизимга келтирилган ҳолда расмийлаштириш;
- тўпланган материалларни танқидий ўрганиш;
- таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;

- фикрни кетма-кетликда, муаяйн изчилликда баён қилиш;
- курс ишини қўйилган талаблар бўйича расмийлаштириш.

### **Курс ишларининг намунавий мавзулари**

1. New trends in stylistics (communicative stylistics, cognitive stylistics, ethno stylistics)
2. Peculiarities of prose style.
3. Peculiarities of poetic style.
4. Peculiarities of drama style.
5. Peculiarities of scientific style.
6. Peculiarities of official documents style.
7. Imagery as a stylistic category.
8. Emotiveness as a stylistic category.
9. Stylistic dominants of British communicative style
10. The role of poetic words.
11. Occasionalisms in literary text.
12. The role of barbarisms in literary text.
13. The function of slang in literary text.
14. The peculiarities of essay style.
15. The types of transference in English.
16. The nature of stylistic meaning.
17. The nature and functions of stylistic device of Metaphor
18. Cognitive approach to Metaphor
19. Cognitive analysis of Metonymy
20. The nature and functions of stylistic device of Metonymy
21. Lingua-cultural features of Hyperbole
22. The nature and functions of stylistic device of Zeugma and Pun
23. Lingua-cultural features of Simile
24. The nature and functions of stylistic device of Antithesis
25. The nature and functions of stylistic device of Gradation
26. Lingua-cultural features of Litotes
27. The nature and functions of stylistic device of Inversion
28. The comparative study of Repetition in English and Uzbek/ Russian
29. Stylistic functions phraseological units in the literary text.
30. Stylistic functions of synonyms in the literary text.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишини тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- маъруза мавзуларига оид тил материалларини йиғиш ва карточкалар тузиш;
- маъруза мавзуларига оид рефератлар ёзиш ва лингвистик адабиётларни таҳлил қилиш;
- бадий адабиётдан олинган алоҳида матнларни услубий таҳлил қилиш намунасини ишлаб чиқиш;
- стилистиканинг асосий қисмлари бўйича матнлар тузиш;
- маъруза матнлари бўйича мақола, курс иши ва малакавий ишларни ёзиш. фонографик ва морфологик даражанинг услубий имконияти,

## **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Comparative study of functional styles.
2. Language features and functions of special literary words.
3. Language features and functions of colloquial words.
4. Comparative study of metaphor/metonymy.
5. Comparative study of epithet/ oxymoron/ hyperbole.
6. Lingua-cultural peculiarities of antonomasia/ simile.
7. Lingua-cultural peculiarities of periphrasis/ Litotes.
8. Comparative study of Repetition.
9. Lingua-cultural peculiarities of Rhetorical Question.
10. Lingua-cultural peculiarities of Phonetic SD.
11. Stylistic usage of synonyms.
12. Stylistic usage of idioms.
13. Stylistic usage of proverbs.
14. Stylistic usage of word-formation patterns.
15. Stylistic role of foreign words in literary texts.
16. Convergence of stylistic devices in literary texts
17. The language of poetry.
18. Poetic details in the literary text.
19. Role of the title in the literary text.
20. Interpretation of a story.

## **Дастурнинг информациион –услугий таъминоти**

Мазкур фанларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- лексикология ва стилистика асослари бўлимига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон дидактик технологиялари;

- лексикология ва стилистика амалий машғулотида кичик гуруҳлар мусобақалари, ҳамкорликда ишлаш каби педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

## Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

### Асосий адабиётлар:

1. Muminov A. English Lexicology. T.2006
2. Арнольд И.В. The English Word. М.,1986
3. Galperin I.R. Stylistics. -М.: Higher School, 1977.
4. Азнаурова Э.С., Ашурова Д.У. Interpretation of literary text. -Т.: Ўқитувчи, 1990.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Cannon G. Historical changes and English word-formation: New vocabulary items.- N.Y., 1986
2. Lewis N. Instant Word Power. N.Y.,1981
3. Shread Dr.A. The words we use. Andre Deutch. L, 1981
4. Антрушина.Г.Б. Лексикология английского языка «М.,Дрофа»2006
5. Бобоханова Т.А. Инглиз тили стилистикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1995
6. Гинзбург. Р.Й., Хидекель.С.С., Князева.Г.Й., Санкин.А.А.; A course in Modern English Lexicology., М.,1979
7. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. -М.: Высшая школа, 2004.
8. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. - М.: Наука, 1981
9. Кухаренко В.А. Практикум по стилистике английского языка. -М.: Высшая школа, 1986.
- 10.Кухаренко В.А. Интерпретация текста. -М.: 1988
- 11.Кузнец М.Д., Скребнев Ю.М. Стилистика английского языка. Л.: Учпедгиз, 1960.
12. Мусаев К. English stylistics. -Т.: Адолат, 2003
13. Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Stylistics of literary text. -Т., Tafakkur qanoti, 2013.
14. Кухаренко В.А. Seminars in style.-М.: Высшая школа, 1971.

### Интернет сайтлари:

1. Website dedicated to linguistics: [www.linguist.org](http://www.linguist.org)
2. Русский филологический портал: [www.philology.ru](http://www.philology.ru)
3. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)
4. [www.dissercat.ru](http://www.dissercat.ru)
5. [www.nauka.ru](http://www.nauka.ru)
6. [www.dissorg.com](http://www.dissorg.com)
7. [www.uzscience.uz](http://www.uzscience.uz)



